

ЗАМИРА СУЮНОВА



ФАНИЖОН
ТОШМАТОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ
ВАЗИРЛИГИ

РЕСПУБЛИКА МЕТОДИКА ВА АХБОРОТ МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

ЗАМИРА СУЮНОВА

ҒАНИЖОН ТОШМАТОВ



Тошкент
2009

XIII
P-89

Монографик ўқув қўлланма Ўзбекистон давлат консерваторияси илмий-услубий кенгаши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Республика методика ва ахборот маркази томонидан нашрға тавсия этилган.

Масъул муҳаррир: С.М.Бегматов, санъатшунослик фанлари номзоди, профессор в.б.

Тақризчилар: К.Бўриева, Ўзбекистон Давлат консерваторияси анъанавий ижрочилик кафедраси доценти.

Б.Дўстмуродов, Xалқ ҳофизи, X.Ҳ.Ниёзий номидаги Тошкент мусиқа коллежи ўқитувчиси.

Монографик ўқув қўлланма машҳур санъаткорларнинг ижоди ва амалий меросини ўрганишга бағишлиланган бўлиб, мусиқа санъати соҳасида сабоқ олаётган ўкувчилар учун мўлжалланган. Ундан атоқли санъаткор, моҳир созанда ва бастакор Ганижон Тошматовнинг ҳаёти, ижоди ва мусиқа меросида қолдирган асарлари ўрин олган.

Монографик ўқув қўлланмадан академик лицей ва колледжларда анъанавий ижрочилик ихтисослиги фани бўйича анаъанавий хонандалар фойдаланишлари мумкин.

Данное монографическое учебное пособие, составленное с целью изучения творчества знаменитых музыкантов-исполнителей и оно предназначено учащимся, обучающимся в области музыкального искусства. В пособии рассматривается жизнь и творчества великого музыканта, талантливого исполнителя, известного композитора-bastакора Ганиджана Ташматова. В этой книге включены также сочиненные им музыкальные произведения, вошедшие в наследие узбекской музыки.

Монографическое учебное пособие предназначено для учащихся академических лицеев и колледжей, занимающихся по предмету и специальности «Традиционное исполнительство».

This monographic book is dedicated to learning a life and practical heritage of the well-known musicians it is meant for students, who have taken classes in the field of music Art. A life, creative activity and musical heritage, compositions and musical works have been composed and written by the outstanding performer Talented musician and composer Ganijan Tashmatov are included it in this manual book.

This monographic book can be used by lyceums and Colleges students learning the subject of «Traditional Performance Specialty» and traditional singers too.

МУАЛЛИФДАН

Мусиқа санъати инсон ҳаётининг мислсиз сиру-асрорларини ўзида мужассам этиб, ранг-баранг оҳангларда ифода эта оладиган ва инсоният руҳиятини бошқара оладиган маънавий дунёдир. Асрлар давомида ҳалқ ижодиёти меросида юзага келган мусиқий намуналар халқимизнинг анъанаси, қадрияти ва маънавий дунёси десак адашмаймиз. Уларни авайлаб асраш, чиройли ва гўзал оҳангларда мадҳ этиш, замон руҳияти билан боғлаб ривожлантириш ҳамда шунга мос тарзда талқин этиш жуда муҳим ва аҳамиятлидир.

Ҳалқ мусиқа меросини шаклланиши азал-азалдан миллий қадриятлар, маънавият, ҳалқ тафаккури асосида юзага келган. Улар мусиқа санъати намояндлари томонидан авлоддан-авлодга ўтиб, замон руҳи билан тўлдирилиб, ижро этилиб келинади. Мусиқий меросни асл ҳолида авлоддан-авлодга ўтишида мусиқа санъатининг билимдон санъаткорларини ўрни бекиёсдир. Зеро, ҳалқ ижодиётини ҳам ўзига яраша сирлари, миллий анъаналари, мусиқий ва адабий қонунлари ҳамда ижровий хусусиятлари мавжуддир. Шунинг учун ҳалқ мусиқа меросини кўр-кўрона ўрганиб, тарғиб этиш ҳам тўғри ҳисобланмайди. Мусиқий меросни билимдонлари фаолиятини яхши билиш, ижро услубларини ўрнак сифатида қабул қилиш, уларга эргашиш ҳалқ ижодиётини ҳалқ маънавиятига хос ривожи учун жуда муҳимдир.

Ўзбек ҳалқ мусиқа меросини шаклланишида ва бизнинг замонамизгача етиб келишида жуда кўп устоз санъаткорлар фаолият олиб борганлар. Ҳозирги замон мусиқасида ҳам уларнинг ижро мактаблари ва услублари ёшлар учун, келажак авлод учун ибрат эканлигини гувоҳи бўлиб турибмиз. Ҳалқ созанда ва хонандаларининг бир қатор ижодий хусусиятларни ўзларида мужассам этганликлари уларнинг зукко, теран тафаккур эгаси, касбининг устаси ва моҳирликларига асос бўлган. Замонамизнинг ана шундай устоз санъаткорларидан биз Юнус Ражабий, Тўхтасин Жалилов, Комилжон Жабборов, Набижон Ҳасанов, Сайджон Калонов, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Орифхон Хотамов, Ғанижон Тошматов, Комилжон Отаниёзовларни алоҳида тилга олишимиз мумкин. Уларнинг меҳнати ва ижодий самаралари мусиқамизнинг равнақида жуда қадрли эканлигини алоҳида эътироф этишимиз лозимдир.

Яқин-яқинларгача ўзбек ҳалқ мусиқа мероси оғзаки анъанага асосланиб, устоз-шогирд қабилида авлоддан-авлодга ўтиб келди. Ҳозирги замон илм-фан тараққиёти даврида жаҳон андозаларига мос мусиқа санъатини ўқитилиши, бу соҳада янги-янги вазифаларни амалга оширишни белгилаб берди. Унга кўра, ҳалқ мусиқа санъати намояндлари, мавжуд мусиқий намуналарнинг ҳаммабоп шаклга келтириш ва уларни тарғиб этиш ишларига эътибор қаратиш лозимлигини кўришимиз мумкин. Яъни, ёшларнинг фақат тинглаш услуби орқали эмас, балки ўқиб-ўрганишлари

учун ҳам муайян ўкув адабиётларини яратиш, ижроларни ёзма манбаларини яратиш давримизнинг долзарб вазифасига айланди. Ҳозиргача бу хусусда бир қатор ишлар бажарилиб, таълим жараёнида муносиб қўлланилиб келинмоқда.

Шундай эзгу ният билан ушбу ўкув адабиётини яратишга бел боғланди. Бир неча йиллар давомида забардаст устоз, бастакор, моҳир созанда Ғанижон Тошматовнинг сабоқларидан баҳраманд бўлиб, уларнинг ижодий фаолиятларини ёритишга кўл урдик. Мақсадимиз, уларнинг ибратли ҳаёти, ижодий фаолияти, ижро услуби, бизга қолдирган мусиқий меросини хатга тушириб, ёшларга тақдим этишдан иборатдир. Шу боис, ушбу рисолада, ўкувчиларнинг ўзбек бастакори ва моҳир созандаси хусусидаги тасаввурини оширишга мўлжаллаб, энг зарур маълумотлар, ижодларидан намуналарни келдирдик.

ҒАНИЖОН ТОШМАТОВ

Ўзбек халқ ва бастакорлик мусиқа ижодиёти намояндаларидан бири, Андижон мусиқа санъати мактабининг ёрқин намояндаси, халқ артисти, созанда, зукко асқиячи, таниқли жамоат арбоби ҳамда беназир бастакор Ғанижон Тошматовдир. У ўз ижрочилик, ижодий ва устозлик фаолияти билан ўзбек мусиқа санъатида ёрқин из қолдирган ва 200 дан ортиқ күй, қўшик ва ашуулаларни мерос қилиб қолдирган санъат арбобларидан биридир.

| Ғанижон Тошматов Андижоннинг ўзига хос анъаналарига эга бўлган Асака туманида 1913 йилнинг 22 июнида дунёга келган. Унинг отаси дехқончилик билан кун кечирган, лекин санъат шайдоси бўлган ва дутор чалишда анча моҳир бўлган. Акалари эса санъатга ошно кишилар эди. Ғанижон ёшлигидан ана шундай муҳитда яшаш билан бирга, зиёлилар даврасида ўсади ва мусикий муҳитда тарбияланади. | Унинг халқ мусиқа меросига бўлган кучли иштиёқи ҳам ўшанда пайдо бўлган бўлса, ажаб эмас. Зеро, у ёшлигидан мусиқанинг мислсиз сеҳрига ошиқ бўлади ва унга астойдил меҳр қўяди. Тенгқурлари билан биргалиқда мусиқанинг сирли дунёсидан баҳраманд бўлишга киришади.

| Ғанижон Тошматовнинг бобоси ҳам санъаткор ўтганлиги ва ўз даврининг таниқли машшоғи ва хонандаси бўлганлиги устоз санъаткорлар томонидан кўп қайд этилади. Ғанижон мусиқа ижрочилигини дастлаб акасидан ўрганганд. Вояга етгач, Андижоннинг санъаткорлар шаҳарларидан бири бўлган Асакада ўtkазиладиган йигинларда, меҳнаткашлар учун ўютириладиган концертларда қатнашиб, шинавандалар назарига тушди. Қолаверса, у отасининг дўстлари ва мусиқа ҳаваскорлари Каримшер, Муҳаммадали ва Абдуллахонлардан илк созандалик сабоқларини олади. Шу тартибда у мусиқа сирларини ўзлаштириб олади.

Одатда, ёшлар кўпроқ қўшиқ айтишга қизиқсалар, ёш Ғанижонни ўзбек халқ мусиқасининг чолғу куйлари ўз сеҳрига тортган эди. Чунки, унинг наздида чолғучи созандаларнинг ижроларидан янграётган куйлар беназир куч-кудратга эга эди. Шу даврда Андижонда чолғу мусиқаси ижрочилиги ва созандалик санъати кенг оммалашган эди.

Ғанижон аканинг созандалик санъатига қизиқиши, уни Андижоннинг машҳур созандаларидан бири – таниқли ғижжакчи Собиржон Сиддиқов даргоҳига етаклайди. Устоздан у ғижжак чолғуси ижрочилик сирларини ўрганишга киришади. Андижон чолғу ижрочилигига боғлиқ йўлларни ўзлаштиради. Тез орада у машҳур бастакср, устоз созанда Тўхтасин Жалилов билан танишади. Зукко устоз Тўхтасин Жалилов Ғанижон Тошматовнинг созандалик лаёқатини кўриб, бирга ишлашга таклиф этади. Аввало, у устоздан созандалик сирларини ўрганади. Сўнгра, 1932 йили Андижон Давлат мусиқали драма театри

қошидаги созандалар ансамблига ғижжакчи созанда сифатида ишга киради.

Мана шу даврдан бошлаб Фанижон Тошматов ҳаётида мусиқа билан боғлиқ, жуда ҳам сермазмун, қизиқарли, ижодий ҳамда машаққатли меҳнат талаб этадиган созандалик, бастакорлик ва устозлик фаолияти бошланади. Мусиқа санъати амалиётда доимо бир қатор санъатлар билан туташ ҳолда ҳамоҳанг ривожланиб келган. Театр, рақс, асқия шулар жумласидандир. Закий инсон уларни ўз ижодида бирлаштира олган. Лекин, бунинг учун ҳар етарли қобилият ва маҳорат талаб этилган. Фанижон ака Тошматов ана шу санъатларни ўзида мужассам эттира оладиган иқтидор эгаларидан эди. Шунинг учун, ушбу жамоадаги фаолияти ўзидаги бу хислатларни шаклланишида ва ривожланишида катта мактаб бўлганлигини ўzlари кўп эслар эдилар.

Фаолияти давомида у Андижон театридан сўнг Фарғона вилояти мусиқали драма театрида (1934-1939), Тошкентдаги Муқимий номидаги мусиқали драма ва комедия театрида (1939-1946) самарали ижод этади. Ўзбек мусиқа санъатининг дарғалари тўплланган ушбу жамоа ҳар бир намоянданинг бастакор ижоди учун ҳақиқий билим маскани, мулоқот ва амалий муносабат давраси эди. Бу ерда у устоз санъаткорлар – Тўхтасин Жалилов, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Комилжон Жабборов билан бирга Саодат Қобулова, Холхўжа Тўхтасинов, Орифхон Хотамов, Салоҳиддин Тўхтасинов каби ҳалқимиз ардоғидаги санъаткорлар билан бир сафда фаолият олиб боради. Устозлардан ўрганиб ўз ижрочилик ва ижодий маҳоратини оширади.

Фанижон Тошматов ЎзРадио қошидаги бадиий жамоаларда ҳам созанда сифатида кўп хизмат қилган ва самарали ижод этишга мұяссар бўлган. Айниқса, замонавий бастакорлар Комилжон Жабборов, Дони Зокиров, Сайджон Калонов ва Набижон Ҳасановлар билан бирга ижод этиши бир қатор сўнмас асарларни юзага келишига сабаб бўлади. Устоз ўзбек ҳалқ чолғу ансамблида 1946 йилдан 1953 йилгача, Ўзбек Давлат филармонияси қошидаги ҳалқ чолғулари оркестрида 1953 йилдан 1957 йилгача ва Ўзбекистон радиоси қошидаги ўзбек ҳалқ чолғулари оркестрида 1957 йилдан 1967 йилгача созандалик билан биргаликда бастакорлик ва устозлак фаолиятини олиб борадилар. 1967 йилдан бошлаб у радио қошида фаолият олиб бораётган бадиий жамоалар, яъни ҳалқ ансамблларига раҳбарлик қиласида. Ҳалқ мусиқий меросини тиклашда ўз ҳиссасини қўшади. Устоз 1967 йилдан 1978 йилгача уйғур ҳалқ ансамблида, 1979 йилдан то умрининг охиригача «Дуторчи қизлар» ансамблига раҳбарлик қиласида. 1987-1988 йилларда устоз мақом ансамбли ва «Дуторчи қизлар» ансамблига бошчилик қиласида.

Фанижон Тошматов қайси жамоада созанда ёки раҳбар сифатида фаолият олиб бормасин, доимо санъатининг буюклиги унинг муштараклигига, устозларнинг зукколигига, ижрочиларнинг маҳорати,

билими ва машаққатли маҳнатида эканлигини уқтириб, самарали фаолият олиб боришига интилиб келган. Санъатни севиш, устозларни хурмат қилиш, ҳалқимизнинг миллий қадриятлариға содиқ бўлиш ва муносиб шогирдлар етиштириш устознинг фаолиятидаги асосий омиллар бўлиб хизмат қилганлигини қайд этиш лозимdir.

Серкирра фаолиятини шакллантириш давомидаги илк қадамларда, унинг машхур устозлар Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Охунжон қизиқ каби санъат даргаларидан олган сабоғи, биргаликдаги ҳамкорлиги ёш созанда учун жуда катта сабоқ мактаби вазифасини ўтайди. Ҳамкорликдаги кўпдан-кўп концерт гостроллари эса унинг билимини ва ижодий салоҳиятини оширади. Зоро, ҳар бир санъаткорнинг мусиқа санъати ижрочилик амалиётига ва меросига қўшган ҳиссаси унинг салоҳияти ва салобатига асосдир. Бу борада Фанижон Тошматов жуда улуғ ишларни амалга оширган, йирик ва бисёр асарларни яратиб ўзбек мусиқа санъати ривожига улкан ҳисса қўшишга эришган санъаткордир.

Устозлар билан биргаликда у катта Фарғона канали қазилишида, Косонсой, Каттақўғон сув омборларини қурилишида хизмат қилди. Иккинчи жаҳон уруши йиллари даврида эса, Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали драма ва комедия театрида ишлади. Ушбу даргоҳда у, ўзига хос созандалар ансамблини тузиб, Тошкент, Бўка районлари, Фарҳод ГЭСи қурувчилари ҳузурида бир қатор концертлар билан ҳалқни илҳомлантиришга хизмат қилади. Ижро этилган сержило ҳалқ мусиқа намуналари билан ансамбль созанда ва хонандалари меҳнаткашларни мамнун этишарди.

1946 йилда Фанижон Тошматов Республика Радиоси қошида тузилган Юнус Ражабий раҳбарлигидаги Ўзбек ҳалқ чолғу асбоблари ансамблига ишга келади. Бу билан унинг бастакорлик ижоди янада барқ уради. Турли жанрларда ижод қилиб, профессионал композиторлар билан ҳамкорлик қилади. Ҳалқ мусиқаси йўлида куй ва қўшиқлар билан бирга саҳнавий асарлар яратади. Шулардан: машҳур ўзбек композитори Борис Зейдман билан ҳамкорликда Туроб Тўланинг «Қари қиз» мусиқали драмасига мусиқа ёзадилар. Мусиқали драмаларни ҳалқ мусиқий намуналари билан безашда ва уларни услубий жиҳатдан мослаштиришда ўз ҳиссасини қўшади. Кейинчалик, йирик ишга қўл уриб, Навоий достони, Хуршид либреттоси асосида яратилган «Фарҳод ва Ширин» мусиқали драмасига мусиқа басталайди.

Ҳалқ мусиқа меросини яхши билган устознинг илк бастакорлик намуналари XX асрнинг 30-йилларида яратилди. Катта Фарғона канали қурилиши даврида «Ватан», «Карвон келди», 40-чи йилларда «Ботир аскар», «Ёр келур», «Истадим», сўнгра «Чўпон қўшиғи», «Мирзачўл сахросига», «Ёр-ёр», «Икки оху», «На гўзалсан», «Пахтазорда қўрдим», «Кезарман» каби турли мавзудаги қўшиқларни яратади.

Лекин, муҳими шундаки, тилга олинган қўшиқларнинг кўпи вақт синовидан ўтиб, амалиётда чархланиб, ўзбек қўшиқчилик санъатининг умрбокий намуналари қаторидан ўрин олди. Бастакор учун бундан зиёд баҳт бўлмаса керак. Устоз санъаткорнинг «Кел ёрим», «Пахтазорда кўрдим», «Кезарман» каби қўшиқларини замонасиининг етук хонандалари, устоз санъаткорлар – Ўзбекистон халқ артисти Назира Аҳмедова, Берта Давидова, Ўзбекистон халқ ҳофизлари Акбар Ҳайдаров, Бобохон ва Акмалхон Сўфихоновлар, Журахон Султонов каби таниқли санъаткорлар ижро этиб, халқимиз олқишига сазовор бўлдилар.

Созандалик санъатида Фанижон Тошматов моҳир ғижжакчи бўлганлиги барчага аёндир. Қолаверса, Андижон созандалик мактабида алоҳида ижро услубига эга эдилар. Устоз ижросидаги «Наво», «Танавор», «Ушшок» ва бошқа куйларни тинглар эканмиз, инсоний кечинмаларни мусиқада бу қадар нафис, теран, ранг-баранг ифодалай олиш мумкинлигига ҳайратланасан киши. Бунинг учун созандада туғма истеъдод соҳиби бўлмоғи керак. Шу билан бирга Фанижон aka халқ мусиқасининг билимдони, халқ куйларини талқин сирларини яхши идрок этувчи инсон эди. Шу боис, у хоҳ лирик қўшиққа, хоҳ лапарга куй басталасин, меҳнати ҳамиша элга манзур бўларди. Чунки, унинг асарларида халқ табиатига мувофиқлик ҳолатлари ўзини яққол намоён этиб туради.

Фанижон Тошматовнинг энг муҳим аҳамият касб этган ижодий хусусиятларидан бири, бу созандалиги деб қайд этилди. Дарҳакиқат устоз мақомлар, айниқса Фарғона-Тошкент мақом йўллари ва мақомлар асосида яратилган чолғу туркумлари ҳамда мусиқаларини билимдони бўлган. Радионинг «Олтин фонди»да унинг ижросида «Чапандози Баёт», «Дугоҳ», «Сегоҳ», «Насри Сегоҳ», сурнай йўлларидан «Бузрук», «Наврузи Ажам», «Андижон сурнай навоси», «Ўйин муножоти» каби мақом йўлидаги асарлар ёзib олинган ва сақланиб келинади. Шу билан бирга Фанижон Тошматов халқ куйларини билимдони сифатида санъаткорлар томонидан эътироф этилган. Фанижон Тошматовнинг иккинчи ютуғи, мусика басталаш амали, композиторлик йўналишига ҳам қўл урганилигидадир. Устози Тўхтасин Жалиловнинг кўрсатмаларига кўра мусиқали драмаларга мусиқа басталаганлиги эътироф этилади.

Устознинг кўпчилик учун номаълум бўлган ижодларидан яна бири бу – ҳөнандалиқдир. Фанижон Тошматовнинг жуда сермаъно ва сирли овозлари бор эди. Халқ йўлидаги қўшиқ ва ашулаларни, инсонни ўзига ром этадиган даражада ижро этардилар. Бу усул, шогирдларига қўшиқ ёки ашула ўргатишда кўп кўлланилар эди. Устознинг ижросида 10 дан ортиқ ашулалар радио фондига ёзилган.

Мусиқа санъатида устозлик даражасига эришган кўп намояндалар, албатта зеҳн-заковатда зукко эканликларини намоён этиб, аскиячи номини ҳам олганлар. Фанижон Тошматов ҳам бундан мустасно эмас эди. У ўз ижодий фаолиятида Маматбува Сатторов, Ҳамроқул Қори, Охунжон

қизик, Жўрахон Султонов, Юсуф қизик каби устозлар билан ҳам бир даврда чиқишлиар қилган. Созандаларга эса доимо устозлик қилиб келган.

Ғанижон Тошматовнинг энг самарали фаолияти бу – унинг бастакорлик фаолиятидир. У ҳаёти давомида турли шаклу-шамойилга асосланган 400 дан ортиқ куй, қўшиқ ва ашуналар яратган. Улар орасида энг мукаммал мақомларга хос ашуналардан тортиб, оддий чолғу куйигача асарлар мавжуд. Устознинг яратган асарларида ҳалқ оҳангларига хос оддий куйлар ва қўшиқлар ҳам ўзига хос шакл топади. Мумтоз ва замонавий адабиётимиз намояндаларининг шеър ва газаллари, замонамизнинг устоз ва етук созандаю-хонандаларининг ижро талкинида муносиб жонланди ва жозибасини топди.

Ғанижон Тошматовнинг ҳаёти ва ижодини К.Алимбаева, М.Аҳмедов, А.Жабборовлар ўз китобларида қисқа бўлса-да ёритиб берганлар. Асосий асарларини келтиришиб, ижодига катта баҳо беришган.

Устоз Ғанижон Тошматов ўз ижодий фаолиятини ҳалқ санъатини ривожлантиришга, санъаткорларни тарбиялашга, кўпдан-кўп шогирдлар тарбиялашга бағишилади. Устознинг бу хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган ҳолда 1972 йилда унга Ўзбекистон ҳалқ артисти увони берилди.

Ўзбек мусиқа санъатида созандалиқдан устоз даражасигача эришиб, бастакор деган шарафли номга эга бўлиб, ҳалқ ардоғини олиб, сўнмас асарлар яратиб, Ғанижон Тошматов 1994 йили вафот этди. Унинг мусиқа меросида колдирган беназир ишлари, ижрочилик услуби ёшлар томонидан муносиб давом эттирилаётганлигини фахр билан тилга олиш жоиздир. Яратган асарлари эса устознинг номини барҳаётлигини таъминлаб, ҳалқимиз ардоғида абадий яшashi учун хизмат қиласди.

Устоз Ғанижон Тошматов рафиқалари Ҳафиза ая билан биргаликда рисоладагидек, сермазмун умр кечирдилар. Устанинг энг яхши кунларида беҳисоб мадад, нотинч кунларида забардаст устун бўлиб Ҳафиза ая ҳамроҳ бўлдилар. Уларнинг ҳаёти ва ижодини авлодларга ибрат сифатида кўрсатиш мумкин.

Ғанижон Тошматов Ҳафиза ая билан биргаликда 6 фарзандни дунёга келтириб, вояга етказиб, жамиятимиз ривожига муносиб ҳисса қўша оладиган фарзандлар қилиб тарбияладилар. Уларнинг ҳар бири ўзига муносиб касб эгалари бўлишлари билан бирга улар доимо мусиқага ошно, оталари каби санъат жонкуярлари, устознинг ишларини давом эттириш истагида юришади. Тўнғич ўғиллари Мухтор Ғаниев Ўзбекистон телерадиокомпаниясида мухбир, Мухсин Ғаниев – фалсафа фанлари номзоди, доцент ва ажойиб хонанда. Мансур Тошматов – Ўзбекистон ҳалқ артисти, профессионал хонанда. Муҳаммаджон Тошматов – Тошкент давлат техника университетида кафедра мудири. Хумоюн Ғаниев – тадбиркор. Муниса Тошматова – Ўзбекистон телевидениясида катта мухаррир, мусиқа санъати фидоийси ва тарғиботчиси.

ИЖОД НАМУНАЛАРИ

Одатда, ҳар бир ижодкор бирор бир асар яратар экан, уни албатта хаёт мезонидаги жараёнлар, вокеликлар ва анъаналар билан боғлади. Ёки лирик аҳамият касб этувчи пурмаъно, маънавий камолотга хизмат қилувчи асарлар яратишга харакат килади. Қайд этиш жоизки, масика амалиётида жуда кўп мусиқий асарлар яратилади, яъни ҳалқ йўлидаги куй ва кўшиклар, лапар, терма, яллалар ва ҳк. Лекин, улардан айримлари сакланиб, авайлаб-асраб ижро этиб келинади. Аксарият ҳалқ куй ва кўшиклари даврлар ўтиши муносабати билан янгиланади, эскиларини ўрнига янги замонавийлари юзага келади. Лекин, бастакорлик ижодига мансуб мусиқий намуналарнинг кўпчилиги ҳалқимиз томонидан анъанавий тарзда авлоддан-авлодга, устоздан-шогирдга ўтиб келади. Чунки, ижрочилик амалиётида анъана билан суғорилган, қадриятларга асосланган, ҳалқ маънавиятини акс эттира олган ва муносаб асарлар сакланиб колади. Буни биз айникса, ижрочилик амалиёти билан боғлик бўлган ўтмиш бастакорларимиз ижодида кўпроқ кўрамиз. Макомларимиз ҳам ўтмиш бастакорлик анъаналарининг маҳсули эканлиги сир эмас. Лекин, бастакорлик анъанасида маком ижодиёти, замон муаммолари, ҳалқ маънавияти, замона нафаси, тараққиёт таъсиrlари ўзини кўрсатиб туради. Айрим йўналишларда бастакорлик даражалари саёzlаниб кетаётганини гувоҳи бўламиз. Шу боис, профессионал ҳалқ бастакорларнинг ижодий мероси ибратли хусусиятлари билан алоҳида аҳамиятга эгалитини қайд этиш лозимdir.

Аввало, профессионал ҳалқ бастакорларининг ҳаётини, ижодий фаолиятини, анъанасини ва меросини ўрганиш маданият ва санъатнинг баркамоллигини гарови, қолаверса, келажак авлоднинг тўғри тарбияланишига кафолатdir. Бунга энг аввало ишончли асос бу – бастакорларнинг сўнmas ва умрбоқий асарларидир.

XX асрда ўзбек мусиқа маданияти ривожига бир қатор устозлар, профессионал бастакорлар катта хисса кўшганлар. Улар аввало моҳир созанда ва хонандалар сифатида элга танилган. Айнан мумтоз мусиқий меросни яхши идроклаб ўзлаштирганлар. Олган билимлари ҳамда ижрочилик амалиётида ортирган тажрибалари асосида замонага мос ва меросга хос асарлар яратишга эришганлар. Ана шундай бастакорлардан бири XX аср ҳалқ ва мумтоз мусиқаси билимдони, устозимиз Фанижон Тошматовdir.

Ўзининг бастакорлик ижодида Фанижон Тошматов 200 дан ортиқ куй ва кўшиклар яратишга мұяссар бўлган. У томонидан яратилган ҳар бир асар замонга хос шаклга эгалиги, анъаналарга таянган ҳолда ва янги оҳангларга мослиги билан яққол ажралиб туради. Устознинг мусиқий меросини кўздан кечирар эканмиз икки-уч услубда ижод қилганликларини гувоҳи бўламиз. Аввалимбор, устоз мутахассислар томонидан мусиқа меросимизнинг, айникса Фарғона-Тошкент чолғу йўлларининг яхши идрок

этувчи билимдони сифатида эътироф этилган. Шу боис бўлса керак ижрочилик фаолиятларида бунга катта эътибор берган. Мусиқа ижодида эса, халқ йўлларига мансуб асарларни қайта ишлаб, янгича тус, ҳаёт баҳш этадиган намуналарга айлантирганларни билан ажралиб туради. Жумладан, «Сегоҳ», «Ёр-ёр», «Омонёр» ва ҳк. Қолаверса, яратган барча куй ва қўшиқларида халқоналиқ сезилиб туради.

Ғанижон Тошматов ижодининг энг эътиборга лойик қисми – бу асл охангларда яратган асарларидир. «Гулжамол», «Кезарман», «Истадим» каби мусиқий намуналар халқимиз томонидан эътироф этилиб, уларни билмаган ва эшитмаган инсонни топиш қийин. Бу асарлар устознинг услубларини ёрқин ифода этадиган сара асарлари ҳисобланса, замон нафаси билан суғорилган, ўз даври ижроиларининг имкониятларига мослаштириб яратган асарлари ҳам алоҳида эътиборга лойиқлиги билан ажралиб туради. Бундай намуналарга халқ ҳофизлари Ортиқхўжа Имомжўжаев, Очилхон Отаконов, Фаттоҳон Мамадалиевлардан бошлаб, то Шаҳноза Исмоилова, Сора Тошматова кабилар учун яратган ашула ва қўшикларини мисол қилиб келтиrsак бўлади.

Ғанижон Тошматов асарларини асл моҳияти ижрода ўзини намоён этиши шубҳасизdir. Лекин, ёш хонандалар ва ҳозирги замон таълим мезонларида амалий мезон назарий жараёнлар билан ҳамоҳанг олиб борилиши билим даражасини оширади. Шу боис, устознинг асарларининг назарий таҳлилига эътибор қаратмоқчимиз. Бастакорнинг хонандалар овозларига, ижроларига асосланиб яратган оригинал мусиқий асарларидан бири Гулчехра Жўраева шеърига басталаган «Қиз узатдик ёр-ёр» қўшиғидир.

«Қиз узатдик ёр-ёр» қўшиғи замонанинг кўзга кўринган, ижрода мукаммал бўлган Коммуна Исмоилова ижроси учун яратилган ва асарнинг биринчи ижрочиси ҳам Коммуна Исмоиловадир (мисол № 1).

Аввало шуни айтиш керакки қўшиқ ҳақиқий халқ қўшиқлари йўлида яратилган. Унинг беғуборлиги ёр-ёrlар сингари забардастdir. Қўшиқ гўёки тўй маросимларида айтиладиган хусусиятлар билан суғорилган. Шу боис, уни муросимга мос хусусият касб этишини гувоҳи бўламиз. Қўшиқ ўзининг бетакрор оҳангি билан ажралиб туради. Ижрода қўлланиладиган ўзига хос қочирилмари асарга жуда майнинлик ва жозиба баҳш этади. Қўшиқ шуниси билан ҳам машҳур бўлган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Қўшиқнинг машҳур бўлишига унинг заминини ташкил этадиган оҳанг мағзининг ҳиссаси каттадир. Чунги қўшиқ оҳангиди инсонни ўзига жалб этадиган мунгли мурожаат, интиқлик, ёқимли интизорлик ҳислари мужассам этилган. Қўшиқ оҳангиди ўзига хос савол-жавоб қабилида бўлиб, бир-бирини тўлдирувчи хусусият касб этади. Шу боис, оҳанг жумлалари авж томон ҳаракат қилган сари ҳис-ҳаяжонга тўлиб, таъсир этувчи кучи ва жозибаси бойиб бораверади. Шу боис, бу асарни кўтаринки ҳис-ҳаяжон билан ижро этиш мақсадга мувофиқdir. Ушбу қўшиқни мукаммал

ўрганган ҳар бир хонанда, бастакор Ғанижон Тошматов услубидан ва хонанда Коммуна Исмоилованинг ижро услубининг ўзига хос жиҳатларини ўзлаштиради.

Мисол № 1:
Шошилмай

Бахт - ли за - мон
кел - ган - да - ё
дав - рон су -рай, ёр - ё -рай, Шош - манг киз - лар
кай - дин ке - лар на - во сур - най, ёр - ёр.
The musical score consists of two staves of sixteenth-note patterns. The first staff starts with a treble clef, a key signature of one sharp, and a 6/8 time signature. The second staff starts with a bass clef, a key signature of one sharp, and a 6/8 time signature. The lyrics are written below the notes, corresponding to the rhythmic patterns.

«Кошинг қароси бало» ашуласи Ғанижон Тошматовнинг халқ сўзига мумтоз услубда яратган асарларидан биридир (мисол № 2).

Мисол № 2:
Шошилмай

Ко- шинг ка - ро - си ба - ло, не - тай
мен ун - га шай - до. Ар- зу- хо - лим - ни ет-
ку - р чач - ман - да эс - ган са - бо.
ай - ла - на - ман - е ча - ман - да эс - ган - са - бо.
The musical score consists of four staves of eighth-note patterns. The first staff starts with a treble clef, a key signature of one sharp, and a 4/4 time signature. The second staff starts with a bass clef, a key signature of one sharp, and a 4/4 time signature. The lyrics are written below the notes, corresponding to the rhythmic patterns.

Мусиқа ижодиёти ҳам бошқа соҳалар каби турли давр фалсафий тафаккур жараёнлари билан ҳамнафас ривож топади. Шулардан бири сифатида ўзбек бастакорларининг анъаналарини ҳам мисол қилса бўлади.

Мумтоз ашулалар намуналари орасида ўзига хос шаклга эга бўлган асарлар кўп. Шулардан бири, одатий бўлиб қолган ашулалар даромади бошлангич пардалардан эмас, балки авж пардалардан бошланади. Бундай мусиқий намуналарни биз халқ куйларидан «Мустахзод», машхур бастакор Ҳамид Раҳимовнинг таникли «Сочларим толим, толим», «Ёлғиз» қўшиқларида учратишимиз мумкин. Бастакор Ғанижон Тошматов ушбу анъана асосида иккита асар яратади. Биринчиси «Зебо қилойин деб», иккинчиси «Қошинг қароси бало»дир.

Ушбу мусиқий намунани ижроси хонандадан катта маҳорат талаб қиласди. Асар мумтоз шаклда ва Фаргона-Тошкент мақом йўлларига хос услубга эгадир. Унинг ижроси кенг диапазонли ва кучли овозга эга бўлган хонандалар учун мўлжалланган.

«Ўзбекистон серқуёш диёр» – Маъруф Қориев шеъри. Бу қўшиқ бастакорнинг замонавий ўсмир ёшлар учун мўлжаллаб яратган асарларидан биридир. Устоз асарни 1979 йили «Дуторчи қизлар» ансамбли учун басталаганлар ва уни ансамбл қизлари катта маҳорат билан ижро этган (мисол №3).

Мисол №3:

Allegretto

Ди - ё - рим - сан ну - ру гул - га чў - мил -
 ган,
 таъ - риф э - тай мад- хинг - ни.

Бу қўшиқда Ўзбекистон юртини гўзал диёр эканлиги, унинг ҳосилдор боғлари, бепоён қир-адирлари ва пахтазорлари, бекиёс табиати таърифланган. Шу боис, унинг ижроси оммавий бўлиши ва жўшқин қизларнинг жозибали, ширали овозлари билан ижро этилиши лозим. Зоро, унда шундай гўзал юрт соҳибларининг ғурури, юртидан фахрланиш кувноқ ва жўшқин оҳангларда акс этиб турсин.

Ушбу асар ўрта мактаб ўкувчи болалар хори учун концерт дастури сифатида ҳам жуда мос келади.

«Бағринг ёқай ноз билан» – Зоҳиджон Обидов шеъри. Ўсмирларнинг характеристига мос муҳаббат қўшиғи. Унда шўх кизнинг, ёри билан учрашувга катта тайёргарлик кўраётган ошиқ қалбнинг ҳолати ҳақида куйланилади (мисол № 4).

Мисол №4:

Moderato

Ус - ма тор - тиб қо - шим - га,
лаб ус - ти - га хол қўй - дим, Ке - ла - сан деб,
бо - шим - га дур - ра - чам - ни дол қўй - дим,

Аёл овозлар учун мўлжалланган ушбу асар хонандадан катта маҳорат талаб этади. Ўзига хос талқин этиш учун Фанижон Тошматовнинг бастакорлик услубидан хабардор бўлиш лозим. Чунки, бу қўшиқда бастакорнинг халқона услуби ўз ифодасини топган.

Мирзатиллаева, Зулфия Суюнова, Дилорам Мұхамедова, Озода Мадрахимова каби бир қатор истеъдодли ёшлар созанда ва хонандалар сифатида танлаб олинади. Кейинчалик ансамблга биринчи раққоса Матлуба Жұраева ҳам қабул килинади. Албатта, ҳали катта сахна күрмаган, тажрибасиз қызлар билан ишлаш катта меҳнат талаб қилиш билан бирга, қызларда бунга күникма ҳосил қилишлари учун машғулотлар ва амалиёт зарур эди. Зеро, талабчан тингловчиларга манзур бўлиш осон иш эмас эди.

Ғанижон Тошматовнинг бундай вазифани уddaлаганлигининг сабабларидан бири, устознинг ўзбек ҳалқ куй ва қўшиқларини катта билимдони эканлиги эди. Шу билан бирга устознинг бисотларида рангбаранг ялла-лапарлар, термаларнинг жуда кўплиги десак, адашмаган бўламиз.

Ялла, лапар, айтишувларнинг аксарияти ҳалқимизга маълум бўлиб, қисқа оҳангли эканлиги билан ёдда сакланиб келинади. Яъни, уларда йирик қўшиқлар ёки ашуалалар каби авжлар учрамайди, оддий ижро учун жуда қулайлиги билан ажралиб туради. Устоз бундай қўшиқларга янгича сайқал бериб, уларга ўз оҳангига мос авжлар қўшиб, диапазонини кенгайтириб қызларга ўргатар эдилар. Муҳими шундаки, устоз ҳар бир ансамбль иштирокчисининг имкониятлари, овоз имкониятлари ва ижро жозибасини яхши биларди. Қайта ишлашда устоз мана шундай хусусиятларга эътибор бериб янгича бир асар яратар эди. Бундан ташқари Ғанижон Тошматов ансамбль ижроси учун хилма-хил мазмундаги қўшиқлар яратар эди. Асарларни ижросини эса ўзлари бирма-бир ишлаб чиройли талқинига эришар эди. Бунинг натижасида ансамбль тез орада ҳалқнинг назарига тушди десак, муболағасиз бўлади.

Устознинг ансамбль учун яратган илк асарларидан «Коптогим қолди боғда», «Шўх қызлар кўшиғи», «Менинг чалган дуторимда», «Доира думдум», «Гулдаста», «Онажонлар», «Сартарошлар» каби қўшиқлари мухлисларга манзур бўлди ва ансамблнинг ижро репертуаридан доимий ўрин олди. Бу асарларнинг имконият даражаси ёш қызлар ижросига мослиги, шўхчан, қувноқ ва ҳаттоки, ҳализомуз характерга эгалиги билан тингловчиларда табассум ўйғотишга сабаб бўлган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Айниқса, «Сартарош», «Шўх қызлар кўшиғи» шулар жумласидандир.

Ансамбль таркибида нафақат ҳалқ қўшиқларини, балки мумтозликка яқин бўлган ашуалаларни ҳам ижро этишга имкониятлари етарли бўлган ижрочилар мавжуд эди. Шу боис, устоз ўзларининг кейинги пайтларда ижод этган йирик бастакорлик асарларини имкони бор ашулачи қызларга ўргатарди. Қызлар «Кезарман», «Истадим», «Гулжамол» каби ашуалаларни маромига етказиб ижро этишга эришадилар.

«Дуторчи қызлар» ансамблининг ўзига ҳослик томонларидан бири, унда нафақат дутор чолғуси, балки бошқа чолғу ансамбли учун зарур

бўлган мусиқий созларнинг ўрин олганлигига дейиш мумкин. Албатта, дутор сози азалдан аёллар ижро амалиётида кўпроқ қўлланилганлиги ҳаммамизга маълум. Лекин, ансамбл сифатида талқин этиш учун бошқа созларнинг овоз имкониятлари жуда муҳимлигини алоҳида эътироф этиш лозимдир. Шуларни назарда тутиб Ғанижон Тошматов ансамблга бошқа созларни ҳам қўшади. Яъни, ансамблда қизлар гижжак, рубоб, уд, конун, чанг чолғуларини моҳирлик билан ижро эта бошладилар.

Ғанижон Тошматов санъаткор сифатида бу соҳанинг барча хислатларидан хабардор инсон эди. Айниқса, буни қизларга қўшиқларни ўргатиш мобайнида кўриш мумкин эди. Устоз ҳар бир қўшиқни ўзлари ижод этиб, қизларга хиргойи қилиб ўргатар эди. Бу хислат устоз ҳофиз ва созандаларда мавжуд. Зеро, қўшиқнинг оҳангини эшитиб ўрганиш, ижро учун жуда муҳимдир. Бу хусусда устознинг жуда ҳам чиройли овозлари борлигини қайд этиш лозим. Ҳаттоқи, устоз ижросида ёзиг олинган бир неча қўшиқлар Ўзбекистон радиосининг «Олтин фонд»да сақланиб келинади. Унинг асқия бобидаги фаолиятларини ўзи бир дунё эканлиги ҳам халқимизга маълум.

Жамоанинг ўзига хос ижро услуби, халқ терма, лапарларини профессионал даражада ўзлаштириб талқин этиши, репертуарини янги қўшиқлар билан бойитиши ансамблни элга танитади. Дарҳақиқат, устоз санъаткор-созанда қизларни танлаб адашмаган эди. Қизлар ансамблнинг халқ орасида ўз муҳлисларига эга бўлишига ва 30 йил давомида халқ назаридан тушмасдан хизмат қилиб келишига катта ҳисса қўшиб келмоқдалар. Кўп йиллик ижрочилик фаолиятида ансамбл билан бир қаторда қизларнинг ҳар бири ўз ижодий йўлларига, ўз қўшиқларига ва албатта ўз муҳлисларига эга бўлдилар. Қизлар иштирокида ёзилган кўпгина қўшиқлар янги талқинда ижро этилиб, Ўзбекистон радиосининг «Олтин фонд»дан муносиб ўрин эгаллади.

Ансамблнинг ижро дастури жуда бой ва ранг-барангдир. Ижро репертуаридан халқ термалари, лапарлар, бастакорлар ижодидан намуналар, қардош халқлар қўшиқлари муносиб ўрин олган. Булардан халқ термалари: «Ёр-ёр»лар, «Улан»лар, «Айтишув»лар, «Лапар»лар ва бошқалар, бастакорлар ижодиётидан: Ғанижон Тошматовнинг «Гулжамол», Алишер Навоий сўзи билан «Ёр истадим», «Интизор кўнгил», «Қаро зулфинг», «Қошинг қароси бало», «Оромим йўқ», «Жон Ўзбекистон», «Софинч», «Совға» каби ўнлаб қўшиқлар ансамбл ижросида гўзал талқинини топди; Абдуҳошим Исмоиловнинг Зулфия Бобоева сўзи билан «Салом сизга қалдирғочлар», «Ишонмасанг муҳаббатимга», Хуршид Даврон сўзи билан «Боги шамол», «Аёл қалби», «Хумо», «Фаввора», «Муҳаббатга ишонгил», «Жонажон Ўзбекистон» каби ўнлаб қўшиқлари ансамбл ижросида ўз муҳлисларига етказилди; Үлмас Расуловнинг «Боиси Муҳаббат», «Караашма», «Ҳарорат», «Сигмадим» ва бошқа кўпгина қўшиқларини ансамбл қизларидан Диляфрўз Мирзаева, Муҳаббат



Солиҳовалар маҳорат билан ижро этиб келмоқдалар; Қаҳрамон Комилов «Кўзлари чўғли ёрим», «Айлайн бахшида мен», «Тарихларда», «Курбон бўлай дерман», «Ватан», «Кичкина чорбоғ ичида», «Илохий куй», «Мен сизни соғиндим», «Султон» каби ўнлаб қўшиқларни «Дуторчи қизлар» ансамбли жамоасига бағишлаб ёзди.

«Дуторчи қизлар» ансамбли кекса авлод бастакорларининг асарларини ҳам маромига етказиб ижро этади. Фаттоҳхон Мамадалиевнинг Улфат ғазали билан «Файз» қўшиғи, Жўрахон Султоновнинг «Оҳ ким», «Сайри гулзор», Баҳрулла Лутфуллаевнинг «Янги йилнинг оқ кечаси», «Ватан мадҳи», «Айланур», «Мустақил юрт» каби қўшиқлари шулар жумласидандир.

Ансамбль нафақат ўзбек халқ қўшиқларини балки, қардош халқлар қўшиқларини ҳам маромига етказиб ижро этиб муҳлислар қалбидан жой олишга мусассар бўлмоқда. Булардан: уйғур халқ қўшиқларидан «Гулим», қирғиз халқ қўшиқларидан «Тўмарим», озарбайжон халқ қўшиқларидан «Ай гўзлари», тоҷик халқ қўшиқларидан «Аз сарат гардим», «Лаъли яман», афғон халқ қўшиқларидан «Гуноҳи илохий», эрон халқ қўшиқларидан «Дўстаддорам», Қорақалпоқ халқ қўшиқларидан «Дембермас», рус халқ қўшиқларидан «Рябинушка», татар, қозоқ халқ қўшиқлари ва ҳк.

Халқ ижроилиги санъатида чархланиб бораётган ансамбль қизлари устоз ёрдамида мумтоз мусиқа мероси намуналарини ҳам муносиб ўзлаштириб борадилар. Аввалига мумтоз ашулалар, кейинчалик «Шашмақом» шуъбаларига мансуб мусиқий намуналарни имкон даражасида талқин этишга ҳаракат қиласидилар. Хусусан, «Қашқарчаи Савти Калон», «Соқиномаи Савти Калон», «Самарқанд Ушшоги», «Чоргоҳ», «Насри Баёт», ўзбек классик қўшиқларидан «Кўшчинор», «Чули Ирок», «Эй, нозанин», «Гулузорим», «Шода-шода марварид», «Танавор», «Муножот», «Галдир», «Хоразм лазгиси», «Бухоро мавриғи» шулар жумласидандир.

Устоз Ғанижон Тошматовнинг яратган қўшиқ ва ашулалари авлоддан-авлодга ўтиб келаётганини фаҳр билан тилга олиш лозим. Ўзбекистон халқ артистлари Саодат Қобулова, Коммуна Исмоилова, Берта Давидова, Орифхон Хотамов, Матлуба Дадабоева, халқ ҳофизлари Исроилжон ва Исмоилжон Ваҳобовлар, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Холисхон Қодирова, Комила Бўриева, фижжакчи созандалардан Салоҳиддин Тўхтасинов, Абдуҳошим Исмоилов, Турсунбой Жўраев кабиларнинг ижросида янграган ҳар бир намуналар қалбларга ҳамон ҳузур бахш этади.

«Дуторчи қизлар» ансамбли эса ёш ҳавасманд хонанда қизлар учун катта мактаб вазифасини бажариб келмоқда. Ансамблда фаолият олиб бориб, санъаткор даражасига етишган хонандалар эса ҳозирда элга манзур қўшиқлари билан севимли санъаткорлар қаторида хурмат ва эътиборга

сазовордирлар. Фанижон Тошматовнинг ана шундай муносиб шогирдларидан Ўзбекистон халқ артисти Замира Суюнова ансамблга раҳбарлик қилиб устозининг бошлаган шарафли ишларини давом эттириб келмоқда.

Шогирдларидан яна бири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Замира Раҳматуллаева ҳам бир неча йиллар давомида ансамблнинг мусиқа ва бадиий раҳбари лавозимида фаолият олиб борди. Замира Раҳматуллаева, Курсия Эсонова, Санобар Каримовалар ансамблда фаолият олиб бориб, муваффакиятли фаолияти учун Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист фахрий унвонига сазовор бўлдилар. Хонандалар Озода Мадраҳимова, З.Мирзатиллаева, Моҳира Асадова, ҳозирда ансамблнинг мусиқа раҳбари сифатида фаолият кўрсатаётган Дилором Мухамедова, созандалар Рўзи Ҳожиева, Сора Тошматова, У.Қосимова, М.Мўминова кабилар устознинг сабокларини олиб, муваффакиятли фаолият юритиб халқимизнинг эътиборини қозониб келмоқдалар.

Бастакорнинг ЎзРадио «Олтин фонд»да сақланаётган, созанда ва хонандалар томонидан ижро этилган асарларининг

РҮЙХАТИ

| № | Асар номи | Сўз муаллифи | «Олтин фонд»да сақланаётган рақами ва хронометраж | Ижрочи |
|-----|-------------------------|-------------------|---|---------------------------|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| 1. | «Зардўз Бухоро кизлар» | Бобоқул Мансуров | РДКС-30622. ≈3.50 | «Дугорчи кизлар» ансамбли |
| 2. | «Шўх кизлар» | О.Ҳакимова | РДКС-36647 ≈1.55 | «Дугорчи кизлар» ансамбли |
| 3. | «Софиниб» | Ҳамза | РДКС-37558 ≈4.36 | Шораим Жалилов |
| 4. | «Гулшан диёрим» | Ў.Рашид | РДКС-21667 ≈2.40 | |
| 5. | «Шод этиб» | Ҳайдар Яҳё | 18456 ≈3.10 | Раҳима Йўлдошева |
| 6. | «Ёр-ёр» | Халқ сўзи | РДКС-9640. ≈3.55 | Коммуна Исмолова |
| 7. | «Янги йил кўшиғи» | Акмал Пўлат | РДКС-22878. ≈3.00 | Раҳима Йўлдошева |
| 8. | «Ёшлигим» | Жуманиёз Жабборов | РДКС-21688. ≈2.45 | Раҳима Йўлдошева |
| 9. | «Мехри гиёсиму?» | Я.Маматхонов | РДКС-19947. ≈4.30 | Очилхон Отахонов |
| 10. | «Олмайди хабар» | | РДКС-19349. ≈2.45 | Очилхон Отахонов |
| 11. | «Ёрнинг ошуфтаси» | Нодира | РДКС-300.96. ≈5.42) | Г.Отакулова |
| 12. | «Гуллар» | Маъруф Қориев | РДКС-22355.3.10 | Малоҳат Дабабоева |
